

## EXTRALINGUISTIC ANALYSIS OF PHRASEOLOGIES.

**Achilov Muzaffar Norkulievich,**

Teacher of “German and French languages” department, Bukhara State University

Tel: +998883010097

[M.N.Achilov@gmail.com](mailto:M.N.Achilov@gmail.com)

### Annotation

In this article, the phraseology of the Uzbek and French peoples, the views of linguists have been studied and, to one degree or another, analyzed and compared. The phrases used to enrich the language used in the speech process were translated into Uzbek and commented on.

### Keywords:

1. Qui langue a, à Rome va- The seeker finds Mecca.
2. Mount Qof is an imaginary place that cannot be reached at all. A fabulous mountain that surrounds the earth. Mount Kof is a lot of work.  
La montagne du Calvaire - Mount Qof is a hill that symbolizes the suffering and murder of Jesus.
3. Faire le Jacques - to act foolishly, to fool oneself.
4. In the phraseology of the Uzbek language, which appeared in the X-XI centuries, the suffering of the people as a result of Mahmud Ghaznavi's military actions and the hatred of the people for him.
5. Ali desang is called Wali.  
Ali blames, and Wali eats the stick. There are also phraseologies associated with the names Ali, Vali, Eshmat, Toshmat.

## ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ

**Ачилов Музаффар Норкулиевич**

Бухоро Давлат университети “Немис ва француз тиллари” кафедраси  
ўқитувчиси

Тел: +998883010097

[M.N.Achilov@gmail.com](mailto:M.N.Achilov@gmail.com)

### Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек ва француз халқи фразеологизмлари, лингвист олимларнинг фикрлари ўқиб ўрганилиб маълум даражада таҳлил қилинган, ҳамда қиёслаб ўрганилган. Нутқ жараёнида қўлланиладиган тилни бойишига ёрдам берадиган иборалар ўзбек тилига таржима қилиниб изоҳлари келтирилган.

### Аннотация

В данной статье фразеология узбекского и французского народов, взгляды лингвистов были изучены и в той или иной степени проанализированы, а также сопоставлены. Фразы, используемые для обогащения языка, используемого в речевом процессе, были переведены на узбекский язык и прокомментированы.

### Калит сўзлар:

1. Qui langue a, à Rome va- Сўраган Маккани топади.
2. Қўҳи Қоф - Умунан этиб бора олмайдиган, хаёлий жой. Ер юзини ўраб олган афсонавий тоғ. Гап десанг қоп-қоп иш десанг Қўҳи Қоф.

**La montagne du Calvaire – Кўҳи Қоф тоғи Исонинг рамзи изтироблари ва қатлини ифодаловчи тепалик.**

**3. Faire le Jacques – ахлоқлик қилиб юрмоқ, ўзини ахлоқликка солмоқ.**

**4. Маҳмуднинг қадами етган ерда ўт ўсмас-** Ўзбек тилида X–XI асрда вужудга келган фразеологизмда Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳарбий ҳаракатлари натижасида халқнинг чеккан азоб уқубати ва унга нисбатан эл-юртнинг нафрати ўз ифодасини топган.

**5. Али десанг Вали деб туради.**

**Айбни Али қилади, калтакни Вали ейди.** Али, Вали, Эшмат, Тошмат исмлари билан боғлиқ фразеологизмлар ҳам мавжуд.

Француз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг миллий-маданий ўзига хослигини уларнинг белгилари билан қиёслаб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсонларга хос ҳис-туйғу ва эмоциялар, ҳаётий ўхшаш ҳолатлар турли миллатга мансуб инсонларнинг бир-бирларини яқиндан тушунишларига ёрдам беради.

Фразеологизмлар экстралингвистик омилларни ҳосил қилишда фаол иштирок этади, у мураккаб лексик-грамматик ва алоҳида семантик тузилишга эга тил бирлигидир. Масалан, француз тилида 1. *Qui langue a, à Rome va*, ўзбек тилидаги муқобили *Сўраган Маккани топади*. 2. Умуман етиб бора олмайдиган, ҳаёлий жой ҳақида гап кетганда барча тилларда Кўҳи Қоф мифотопонимни мисол келтириш мумкин (Қоф-бутун ер юзини ўраб олган афсонавий тоғ), француз тилида, *La montagne du Calvaire – Кўҳи Қоф тоғи* Исонинг рамзи изтироблари ва қатлини ифодаловчи тепалик; ўзбек тилида *гап десанг қоп-қоп иш десанг Кўҳи Қофдан топ* топоним компонентли фразеологизмларни ҳам мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Фразеологизмларнинг миллийлиги халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги моддий-маданий шарт-шароитларда намоён бўлади. ФБ таркибидаги образлар тизими миллат дунёқарашнинг шаклланиши, унинг моддий, ижтимоий ёки маънавий маданияти билан боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам улар ўша миллатнинг миллий-маданий тажрибаси, анъаналари, урф-одатлари ҳақида маълумот беради. Айнан антропоним ва топонимлар лингвистик маданий доминант сифатида фразеологияда миллий-маданий компонент вазифасини бажаради, муайян миллат тил бирлигининг характерли белгиларини намоён қилади. Масалан: *faire le Jacques – ахлоқлик қилиб юрмоқ, ўзини ахлоқликка солмоқ;*

Ўзбек тилида X–XI асрда вужудга келган *Маҳмуднинг қадами етган ерда ўт ўсмас* фразеологизмда Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳарбий ҳаракатлари натижасида халқнинг чеккан азоб уқубати ва унга нисбатан эл-юртнинг нафрати ўз ифодасини топган. Шунингдек, ўзбек тилида анънавий исмлар Али, Вали, Эшмат, Тошмат исмлари билан боғлиқ фразеологизмлар ҳам мавжуд. Масалан: *Али десанг Вали деб туради, Айбни Али қилади, калтакни Вали ейди.*

Шу тариқа фразеологизмлар ва уларни ўрганиш зарурлиги фразеологизмларнинг миллий хусусиятларини қиёслашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки фразеологизмларда миллатлар ва элатларнинг маданий излари ётади, уларнинг яшаш тарзлари, ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари ҳақида маълумот етказди. Атроф-муҳитнинг фарқланувчи миллий-маданий ўзига хослиги бошқа омилларидан кўра кўпроқ фразеологизмларда ёрқин намоён бўлади. Бу ФБ ларнинг алоҳида тузилиши ва компонентларининг қисман ёки тўлиқ қайта семантик ўзгаришларга учраши билан изоҳланади. Фразеологизмларнинг бундай семантик тузилиши кўпроқ экстралингвистик омилларга асосланган. Чунки халқнинг турмуш тарзи алоҳида олинган семантик сўздан кўра ФБларда ёрқинроқ ифодаланади.

Албатта, фразеологизмлар турли тиллардаги баъзи ФБларни ҳисобга олмаганда, барча тилларга тадбиқ этиб бўлмайди. Фразеологиянинг умумназарий масалаларини ҳал қилиш, шунингдек, икки ёки ундан ортиқ тилларни қиёсий-чоғиштира таҳлил этиш жуда муҳим.

Демак, фразеологизмларни экстралингвистик таҳлили этишни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Семантик тузилган фразеологизмлар ифода этган образлар бир-бирига яқин.
2. Байналминал фразеологизмлар турли тузилишга эга.
3. Фразеологизмлар миллатнинг миллий маданият ҳақида маълумот етказувчи реаллардан иборат.
4. Фразеологизмлар ўзига хос семантик тузилишга эга.
5. Антропоним ва топоним компонентли фразеологизмларни этимологик шарҳларсиз тушуниш қийин.
6. Фразеологизмларнинг бошқа тилларга таржимаси апеллятив (турдош) от ёки муқобил компонент ёрдамида берилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жуков В.П. Русская фразеология. – М.: Высшая школа, 1986. – 309 с.
2. Иванова С.В. Культурологические аспекты языковых единиц: Изд-е Башкирск. ун-та. – Уфа: 2002. – 218 с.
3. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. - СамДУ, 2013. – Б.116-120. – 166 б.
4. Йўлдошев Б., Адашуллаева Г. Ўзбек тилида ўзлашма фразеологизмларнинг семантик-услубий хусусиятлари. Монография. Самарқанд: 2012. – 102 б.
5. Йўлдошев Б. Ўзбек ономастикаси масалалари. Услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДУ, 2011. – 117 б.
6. Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и языке. – М.:Наука, 1990. – 189 с.